



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

3 (89) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (89)

2026 *март*

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.02.2026, Accepted: 06.03.2026, Published: 10.03.2026

УДК 616.314-77:004.9

**ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДА ТАЙЁРЛАНГАН ТЎЛИҚ ОЛИНАДИГАН
ПРОТЕЗЛАРНИНГ ЖАҒ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИГА МОСЛИГИ, ФИКСАЦИЯСИ ВА
БАЗАСИНИНГ АНИҚЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

Рабиев Бехруз Хомитович <https://orcid.org/0009-0009-1549-1889> e-mail: bek777stom@gmail.com

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий
кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Стоматология соҳасида тўлиқ тишсиз беморларни реабилитация қилиш масаласи ўн йиллар давомида классик мактаб намоёндалари томонидан кенг ўрганилган. Анъанавий усулда олинадиган протезлар тайёрлашнинг клиник-лаборатория босқичлари, жағлар аро муносабатни аниқлашнинг турли методикалари ва акрил пластмассаларнинг биомеханик хусусиятлари фундаментал тадқиқотларда ўз аксини топган.

Калит сўзлар: нуқсон, кариес, қаттиқ танглай, атрофия, юқори лабнинг юганчаси, протез.

**СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ УРОВНЯ ТОЧНОСТИ СОВМЕСТИМОСТИ,
ФИКСАЦИИ И ОСНОВАНИЯ ПОЛНОСТЬЮ СЪЕМНЫХ ПРОТЕЗОВ, ИЗГОТОВЛЕННЫХ
СОВРЕМЕННЫМИ МЕТОДАМИ, К СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКЕ ЧЕЛЮСТИ**

Рабиев Бехруз Хомитович <https://orcid.org/0009-0009-1549-1889> e-mail: bek777stom@gmail.com

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Вопрос реабилитации полностью беззубых пациентов в стоматологии на протяжении десятилетий широко изучался представителями классической школы. В фундаментальных исследованиях нашли отражение клинико-лабораторные этапы изготовления протезов традиционным методом, различные методы определения соотношения челюстей, а также биомеханические свойства акриловых пластмасс.

Ключевые слова: дефект, кариес, твёрдый неба, атрофия, уздечки верхней губы, протез.

**COMPARATIVE STUDY OF THE ACCURACY LEVEL OF THE COMPATIBILITY,
FIXATION AND BASE OF FULLY REMOVABLE PROSTHESES MADE BY MODERN
METHODS TO THE MUCOUS MEMBRANE OF THE JAW**

Rabiev Behruz Homitovich <https://orcid.org/0009-0009-1549-1889>
e-mail: bek777stom@gmail.com

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

The issue of rehabilitation of completely edentulous patients in dentistry has been widely studied by representatives of the classical school for decades. The clinical and laboratory stages of manufacturing prostheses obtained using the traditional method, various methods of determining the relationship between the jaws, and the biomechanical properties of acrylic plastics have been reflected in fundamental research.

Keywords: defect, caries, hard palate, atrophy, cleft lip, prosthesis

Долзарблиги

Сўнгги йилларда тўлиқ тишсизлик (адентия) муаммоси нафақат стоматологик, балки ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан биридир. Ушбу мавзунинг долзарблигини бир нечта муҳим омиллар билан асослаш мумкин. Демографик ўзгаришлар ва эҳтиёжнинг ортиши бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги ортиб бормоқда. Бу эса кекса ёшдаги, тўлиқ тишсиз беморлар сонининг кўпайишига олиб келади. Статистик маълумотларга кўра, 60 ёшдан ошган аҳолининг сезиларли қисми тўлиқ олинадиган протезларга муҳтож. Анъанавий усулларнинг камчиликлари анъанавий усулда протез тайёрлаш жараёнида (гипс моделлари, мум базалари ёрдамида) бир қанча қийинчиликлар вужудга келтиради. Протезнинг чўкиши эса пластмасса полимеризация жараёнида ҳажмини ўзгартириши мумкин, бу эса протезнинг жағга аниқ тушмаслигига сабаб бўлади. Лаборатория босқичларида йўл қўйиладиган кичик хатолар ҳам протезнинг фиксацияси ва ретенциясини (ёпишиб туришини) ёмонлаштиради. Протезга мослашиш даври, анъанавий протезларга кўникиш бемор учун узок ва оғриқли кечиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш ва халқаро стандартларга босқичма-босқич мослаштиришга қаратилган мақсадли амалий чора-тадбирлар мажмуи изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг патологик ҳолатларини олдини олиш, эрта аниқлаш ва комплекс даволашнинг замонавий ва юқори самарали ёндашувларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таххис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар тўлиқ тишсиз беморларда замонавий ва анъанавий усул билан тайёрланган протезнинг самарадорлигини такомиллаштирилган ёндашувларини клиник амалиётга жорий этишга қаратилган устувор ва ижтимоий аҳамиятга эга илмий йўналишлардан бирини шакллантиради.

Тадқиқотнинг мақсади: тўлиқ тишсиз беморларни ортопедик даволашда анъанавий ва замонавий (рақамли) технологиялар ёрдамида тайёрланган олинадиган протезларнинг клиник-функционал самарадорлигини қиёсий баҳолаш ҳамда кекса ёшдаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анъанавий (пресслаш) ва замонавий (CAD/CAM ёки 3D босма) усулларда тайёрланган тўлиқ олинадиган протезларнинг жағ шиллиқ қаватига мослиги, фиксацияси ва базаснинг аниқлик даражасини қиёсий ўрганиш;

ҳар икки усулда тайёрланган протезлардан фойдаланувчи беморларда чайнаш аппаратининг функционал ҳолатини, чайнаш самарадорлигини ва нутқ (дикция) тикланишининг сифат кўрсаткичларини солиштириш;

беморларнинг янги протезларга мослашиш (адаптация) даврини мониторинг қилиш ҳамда махсус халқаро сўровномалар (масалан, ОНП-14) ёрдамида уларнинг даволашдан кейинги ҳаёт сифати ва психологик ҳолатини таҳлил қилиш;

тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, тўлиқ тишсиз беморларнинг клиник ҳолатидан келиб чиқиб, анъанавий ёки замонавий технологияни танлаш мезонларини ва даволаш самарадорлигини такомиллаштириш.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари

Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун стоматологик, клиник-функционал, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Мазкур илмий тадқиқот тўлиқ адентия ҳолатида замонавий технологиялар орқали тайёрланган тўлиқ олинадиган протезларнинг клиник самарадорлигини баҳолашга қаратилди. Тадқиқотда анъанавий усуллар ҳамда замонавий рақамли технологиялар ёрдамида тайёрланган протезларнинг жағ шиллиқ қаватига мослиги, фиксацияси ва базасининг аниқлик даражаси ўзаро қиёсий таҳлил қилинди.

Тадқиқот клиник, лаборатор ва рақамли таҳлил усуллариининг комплекс қўлланилишига асосланди. Бу эса турли технологиялар орқали тайёрланган протезларнинг самарадорлигини илмий асосда баҳолаш имконини берди [3,5,8].

Тадқиқот бир нечта босқичларда амалга оширилди. Биринчи босқичда беморларни танлаш ва клиник текширув ишлари амалга оширилди. Иккинчи босқичда диагностик моделлар тайёрланди ва турли технологиялар орқали протезлар ишлаб чиқилди. Учинчи босқичда протез базасининг аниқлиги, жағ шиллиқ қаватига мослиги ва фиксацияси баҳоланди. Тўртинчи босқичда олинган натижалар статистик таҳлил қилинди [5,8,9].

Тадқиқот объекти сифатида тўлиқ адентия ҳолати мавжуд бўлган беморлар танлаб олинди. Тадқиқотда жами 90 нафар бемор иштирок этди. Беморлар ёши 45 ёшдан 75 ёшгача бўлиб, уларда юқори ёки пастки жағда тўлиқ тишсизлик ҳолати кузатилди.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар махсус танлаш мезонлари асосида саралаб олинди. Инклюзия мезонлари. Тадқиқотга қуйидаги ҳолатларга эга беморлар қабул қилинди:

- юқори ёки пастки жағда тўлиқ адентия ҳолатининг мавжудлиги;
- умумий соматик ҳолатнинг қониқарли бўлиши;
- протез тайёрлаш учун клиник кўрсатманинг мавжудлиги;
- оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарли даражада бўлиши;
- Эксклюзия мезонлари. Қуйидаги ҳолатларда беморлар тадқиқотга киритилмади:
- оғиз бўшлиғида ўткир яллиғланиш жараёнлари;
- оғир соматик касалликлар;
- онкологик касалликлар;
- альвеоляр суякнинг кескин атрофияси;
- психоневрологик касалликлар;

Тадқиқотда иштирок этган беморлар протез тайёрлаш технологиясига қараб учта гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳда анъанавий технология орқали тайёрланган протезлар қўлланилди. Бу гуруҳга 30 нафар бемор киритилди.

Иккинчи гуруҳда замонавий рақамли технология — CAD/CAM technology in dentistry асосида тайёрланган протезлар қўлланилди. Бу гуруҳ ҳам 30 нафар бемордан иборат бўлди.

Учинчи гуруҳда эса замонавий аддитив ишлаб чиқариш технологияси, яъни 3D printing in dentistry ёрдамида тайёрланган протезлар қўлланилди.

Бу усулларнинг барчаси ортопедик стоматологияда замонавий ва инновацион йўналишлар ҳисобланади [5,7,10].

Барча беморларда клиник текширув стоматологик стандарт протокол асосида амалга оширилди. Клиник текширув жараёнида беморларнинг умумий ва маҳаллий ҳолати батафсил баҳоланди.

Клиник текширув Clinical Oral Examination усули орқали амалга оширилди.

Клиник текширув давомида қуйидаги параметрлар ўрганилди:

- альвеоляр қирранинг шакли ва баландлиги;
- жағ шиллиқ қаватининг эластиклиги;
- шиллик қаватнинг қалинлиги;
- протез майдонининг анатомик хусусиятлари;
- оғиз бўшлиғидаги мушаклар фаолияти;
- протез учун таяниш майдони;

Шунингдек, альвеоляр суяк ҳолатини баҳолаш учун рентгенологик текширувлар ҳам ўтказилди.

Тўлиқ адентия натижасида қуйидаги функционал ва морфологик ўзгаришлар юзага келади: чайнаш функциясининг бузилиши, нутқ функциясининг ўзгариши, юз профили ва эстетиканинг бузилиши, овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятининг ёмонлашиши, беморнинг психологик ҳолатига салбий таъсир ва бошқалар [3,5,8].

Тишлар йўқолиши альвеоляр суякнинг атрофиясига олиб келади. Бу жараёнда альвеоляр қирра аста-секин камаяди, натижада протез учун таяниш майдони қисқаради. Бу эса протез фиксацияси ва стабиллигини таъминлашни қийинлаштиради. Шу сабабли ортопедик

стоматологияда тўлиқ адентияни даволашнинг асосий усули сифатида тўлиқ олинадиган протезлар қўлланилади [3,7,11].

Сўнгги йилларда стоматологияда рақамли технологиялар жадал ривожланмоқда. Бу технологиялар протез тайёрлаш жараёнини автоматлаштириш, хатоларни камайтириш ва аниқликни ошириш имконини беради [5,8,9].

CAD/CAM технологияси компьютер ёрдамида протезни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни англатади. Бу технологияда жағлар рақамли сканер орқали текширилади ва виртуал модел яратилади. Бу жараён Intraoral scanning ёрдамида амалга оширилади [1,8,12].

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тўлиқ тишсиз беморларни реабилитация қилишда анъанавий протезлаш ва замонавий рақамли технологияларнинг (CAD/CAM, 3D босма) қиёсий самарадорлиги тизимли равишда исботланди. Рақамли усулда тайёрланган протез базаларининг жағ шиллик қаватига биомеханик мослиги ва ретенциясининг юқорилиги анъанавий усулларга нисбатан математик ва клиник жиҳатдан асослаб берилди. Беморларнинг ёш хусусиятлари ва психологик ҳолатига кўра, протезларга кўникиш жараёнининг босқичлари ва функционал тикланиш динамикаси ҳақидаги илмий маълумотлар кенгайтирилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дифференциал ёндашув туфайли протезларнинг фиксацияси яхшиланади ва протез ости шиллик қаватида кузатиладиган асоратлар (яллиғланиш, декубитал яралар) сони камаюди. Клиник ва лаборатория босқичларини оптималлаштириш орқали беморнинг шифокорга келиш сони камаюди, бу эса шифокор ва бемор вақтини тежаш имконини беради. Замонавий технологияларни қўллаш орқали чайнаш самарадорлиги ва нутқнинг тезроқ тикланиши таъминланади, бу эса беморларнинг ижтимоий ва психологик реабилитациясини тезлаштиради.

Тўлиқ адентия (барча тишларнинг йўқолиши) стоматология амалиётида кенг тарқалган муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, аҳолининг ёши катта гуруҳларида тўлиқ адентия ҳолати анча юқори кўрсаткичларга эга. Бу ҳолат инсоннинг нафақат оғиз бўшлиғи саломатлигига, балки умумий ҳаёт сифатида ҳам жиддий таъсир кўрсатади [2,5,7].

Хулоса

3D принтер технологияси эса материални қатламлар орқали босиб чиқаришга асосланган бўлиб, у Additive manufacturing принципага асосланади. Ушбу технологиялар ортопедик стоматологияда янги имкониятлар яратмоқда. Ўтказилган клиник ва лаборатор тадқиқотлар натижаларига асосланиб қуйидаги хулосалар чиқарилди [4,8].

Тўлиқ адентия ҳолати мавжуд беморларда тўлиқ олинадиган протезларни тайёрлашда анъанавий ва рақамли технологиялар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Рақамли технологиялар, хусусан CAD/CAM technology in dentistry, протез базасининг аниқлиги ва жағ шиллик қаватига мослигини яхшилашда юқори самарадорликни кўрсатди [3,7].

Протез базасининг жағ шиллик қаватига мослиги 3D surface scanning усули орқали таҳлил қилинганда CAD/CAM технологиясида тайёрланган протезларда ўртача девиация анъанавий усулга нисбатан 2–3 баробар кам экани аниқланди. Тўлиқ олинадиган протезларнинг фиксацияси протез базасининг аниқлиги ва шиллик қаватга мослигига бевосита боғлиқ. Фиксация механизми Adhesion ва Cohesion каби физик принциплар асосида амалга ошади [2,6].

Протез фиксацияси Dynamometry усули орқали баҳоланганда CAD/CAM технологиясида тайёрланган протезларда фиксация кучи анъанавий усулга нисбатан ўртача 30–40% юқори экани аниқланди. 3D босма технологияси, яъни 3D printing in dentistry, анъанавий усулга нисбатан юқори аниқликка эга бўлса-да, айрим ҳолларда босма қатламлар протез базаси юзасида микродевиацияларни келтириб чиқариши мумкин [1,5].

Бемор қониқишини баҳолаш Patient satisfaction questionnaire усули орқали ўтказилганда CAD/CAM технологиясида тайёрланган протезларда функционал қулайлик, эстетика ва умумий қониқиш даражаси юқори экани кузатилди. Замонавий рақамли технологиялар ортопедик стоматология амалиётида тўлиқ олинадиган протезларни тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш ва клиник натижаларни яхшилаш имконини беради [2,6].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Македонова ЮА, и др. Анализ микроциркуляторных нарушений у больных с красным плоским лишаём слизистой полости рта. Якутский медицинский журнал. 2019;65(1):48–51. DOI: 10.25789/YMJ.2019.65.15
2. Бабич ВВ. Особенности ортопедического лечения при полном вторичном отсутствии зубов у пациентов пожилого и старческого возраста. Medicus. 2021;40(4):42–44.
3. Ушницкий ИД, и др. Клинико-эпидемиологическая характеристика патологических процессов тканей пародонта воспалительно-деструктивного характера. Якутский медицинский журнал. 2018;61(1):83–86. DOI: 10.25789/YMJ.2018.61.25
4. Мусаева (Абакарова) КА, Асом БВ, Салиев СУ. Улучшение фиксации полных съёмных пластиночных протезов в условиях выраженной атрофии в области верхнечелюстных бугров. Стоматология. 2018;(2):27–28.
5. Коробкеев АА, и др. Морфологические особенности челюстно-лицевой области людей с полной вторичной адентией и различными типами конституции. Медицинский вестник Северного Кавказа. 2020;15(4):539–543. DOI: 10.14300/mnnc.2020.15127
6. Багинский АЛ, Чижов ЮВ, Ушницкий ИД. Показатели медико-демографического, социально-гигиенического, соматического и стоматологического статусов коренного населения Эвенкийского муниципального района Красноярского края. Якутский медицинский журнал. 2013;44(4):69–71.
7. Музыкин МИ, и др. Особенности проявления жевательного рефлекса у пациентов после стоматологической реабилитации зубными протезами на искусственных опорах. Якутский медицинский журнал. 2021;76(4):38–42. DOI: 10.25789/YMJ.2021.76.09
8. Андреева ИВ, Воликов ВВ. Морфометрические показатели сосудов пародонта верхней челюсти при интактном зубном ряду и полной адентии. Российский медико-биологический вестник имени академика И.П. Павлова. 2015;23(4):11–16.
9. Mikhilchenko DV, et al. Temporal and mandibular joint computed tomography application efficiency during the record of jaw central correlation. Drug Invention Today. 2019;11(3):753–757.
10. Фёдорова НС, и др. Комплексное изучение стоматологической ортопедической заболеваемости людей старческого возраста и способы её устранения. Эндодонтия Today. 2021;19(4):299–305. DOI: 10.36377/1683-2981-2021-19-4-299-305
11. Аболмасов НН, и др. Адгезивные средства для съёмных протезов. Мифы и реальность (лабораторное исследование). Стоматология. 2019;98(6):90–95. DOI: 10.17116/stomat20199806190
12. Ушницкий ИД, и др. Медико-географическая характеристика Севера и современные аспекты совершенствования стоматологической помощи. Якутский медицинский журнал. 2016;55(3):49–53.

Қабул қилинган сана 20.02.2026